

ИНСОННИНГ ИЖТИМОЙ ХУҚУҚЛАРИ ВА УЛАРНИ РЎЎБГА ЧИҚИШИ

Акбар Саитқосимов
Фалсафа фанлари доктори,
ЖДПИ тарих факультети
“Фалсафа, тарбия ва ҳуқуқ таълими”
кафедраси профессори.

Аннотация. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормаларига биноан тан олингандир. Уни ҳурмат қилиш давлатларнинг халқаро мажбурияти ҳисобланади ва бу миллий ҳуқуқий нормалар билан ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Ижтимоий ҳуқуқлар уларнинг ичида ўзига хос ўринга эга.

Калит сўзлар: *инсон, ҳуқуқ, эркинлик, халқаро ҳуқуқ, ҳуқуқий норма, давлат, халқаро мажбурият, миллий ҳуқуқ, ижтимоий, ижтимоий ҳуқуқ.*

Аннотация. Права и свободы человека признаются в соответствии с общепринятыми нормами международного права. Уважение к нему является международным обязательством государств, и оно также закреплено в национальных правовых нормах. Особое место среди них занимают социальные права.

Ключевые слова: *человек, право, свобода, международное право, правовая норма, государство, международное обязательство, национальное право, социальное, социальное право.*

Annotation. Human rights and freedoms are recognized in accordance with generally accepted norms of international law. Respect for it is an international obligation of states, and it is also enshrined in national legal norms. Social rights have a special place among them.

Key words: *man, law, freedom, international law, legal norm, state, international obligation, national law, social, social law.*

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принципи ва нормаларига биноан тан олинган ва кафолатлангандир. Уни ҳурмат қилиш давлатларнинг халқаро мажбурияти ҳисобланади, айти чоғда ушбу мажбурият миллий ҳуқуқий нормалар билан мустаҳкамлаб қўйилади. Инсон ҳуқуқлари ер юзида инсонлар фарвонлиги, турмуш тарзи юксалишининг кафолати ҳисобланиб, инсоният ва у яшаётган жамиятда маданий, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий кадриятлар билан узвий алоқасини таъминлайди.

Мазкур жараёнларга оид ҳуқуқий тамойиллар ва нормалар “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”да ўз аксини топган. Олимларнинг таъкидлашича, “Мазкур тарихий ҳужжатда ҳақиқат ўз тасдиғини топган: барча инсонлар эркин ва инсоний кадр-қиммат ва асосий, табиий ҳуқуқларда тенг туғиладилар. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ирки, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар ҳар бир инсоннинг эҳтиёжларсиз ва ўз шах-сий даҳлсизлиги учун ҳадиксирамай яшаш ҳуқуқи, сўз ва эътиқод эркинлиги, адолатли ва бутун дунёда тинчликга бўлган ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган”¹.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида мамлакатимизда етарлича тажриба тўпланиб, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан бойиб бормоқда. «Универсал қимматга эга бўлган инсон ҳуқуқлари, Ўзбекистон Республикасининг жамият ҳаётининг ижтимоий сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг барча соҳаларидаги фаолиятининг концептуал асосини ташкил этади. Жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси сифатида Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари устуворлигини сўзсиз тан олади

¹ А.Саидов, М.Турғунов ва бошқ. Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012 й. 4-бет.

ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришни ўзининг стратегик муҳим вазифаси сифатида кўради»².

Инсон ҳуқуқлари ўзида асосан уч йўналишни мужассамлаштирган бўлиб, улар қуйидагилар: фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар (яшаш ҳуқуқи, қийноққа солишнинг тақиқланиши, адолатли судлов ҳуқуқи, шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги ҳуқуқи, фикр ва сўз эркинлиги ҳуқуқи, уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқи ва ҳ.к.), иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар (билим олиш ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот ҳуқуқи, соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқ ва ҳ.к.), ва "учинчи бўғин авлоди" тури коллектив ҳуқуқлар, деб аталади ва улар жумласига (тинчликка бўлган ҳуқуқ, ривожланишга бўлган ҳуқуқ ва ҳ.к.)лар киради.

Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар уларнинг ичида ўзига хос ўринга эга. Унда инсон ҳаёти, турмуш тарзи ва фаровонлиги учун хизмат қиладиган ҳуқуқий қадриятлар мужассамлашган. 1966 йилда Халқаро миқёсда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт қабул қилинган. Унда фуқароларнинг бу соҳага дахлдор ҳуқуқларининг умумий тизими келтирилган. Ўзбекистон “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт”га 1995 йилда қўшилган.

Мазкур Пактни тан олган ва унда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир шахснинг ўзи ва оиласи учун етарли турмуш даражасини ҳамда уларнинг турмуш шароитларини муфассал яхшилаб боришни ўз зиммаларига оладилар. Шунинг учун, “Пактда меҳнат қилиш ва эркин касб танлаш ҳуқуқи, меҳнат учун адолатли иш ҳақи олиш; касаба уюшмалари тузиш ва уларга кириш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот, етарли турмуш даражаси ҳуқуқи, очликдан холи бўлиш, соғлиқни сақлаш ва билим олиш ҳуқуқлари эътироф этилган. Пактда ҳар бир инсоннинг ўз иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш учун касаба уюшмалари

² Международное публичное право: Учебник. — Т.:ТГБИ, 2003 — С. 335

тузиш ҳамда ўз ихтиёри билан ана шу уюшмаларга кириш ҳуқуқи мустаҳкамланган”³.

Ушбу Пактда жамиятнинг асосий негизи ҳисобланган оилага кенг кўламда ёрдам бериш зарурлиги эътиборга олинган. Айниқса фарзанд туғилишидан олдин ва туғилганидан кейин оналарнинг муҳофаза этилиши ҳамда ижтимоий жиҳатдан таъминланиши таъкидлангандир. Шунини таъкидлаш керакки, Пактда ҳар бир инсоннинг маълумот олиш ҳуқуқи эътироф этилган. Пактга асосан таълим - инсон шахсининг камолга етиши ва ўз кадр-қимматини тўла ва беками-кўст англашига кўмаклашиши ҳамда инсон ҳуқуқларига ҳурматни мустаҳкамлаши лозим.

Шунингдек, таълим барчага эркин жамиятнинг фойдали аъзолари бўлишига имконият яратиши, миллатлар ва диний гуруҳлар ўртасида дўстликка ёрдам беришга йўналтирилиши керак, билим олиш ҳуқуқини амалга ошириш учун қуйидаги ишларни қилиш лозимлиги Пактда эътироф этилган, яъни бошланғич таълим барча учун мажбурий ва текин бўлиши, ҳар бир инсоннинг қобилиятини ҳисобга олиб, тадрижий тарзда бепул таълимни олмаган ёки бошланғич таълимнинг тўла сабоғини тугалламаган кишилар учун билим олишни ташкил этиш лозимдир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” деб номланган тўртинчи йўналиши фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда муҳим ўрин тутмоқда. Аҳоли бандлигини ошириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизациялаш, аҳолини электр энергия, газ билан таъминлашни яхшилаш, аҳолининг муҳтож қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам сифатини ошириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мақомини ошириш, соғлиқни сақлаш

³ О.Хусанов, О.Каримова ва бошқ. Инсон ҳуқуқлари (махсус курс). Тошкент, “Шарқ”, 1997. -Б

соҳасини ислоҳ қилиш, мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширишни назарда тутди.⁴

Ижтимоий ҳуқук ва эркинликлар ҳар бир жамиятда инсоннинг муносиб ҳаёт кечириши учун дастурамал бўлиб хизмат қилади. Чунки инсонлар дунёга келиши билан яшаши учун маълум даражада ўзининг моддий, маънавий эҳтиёжини қондириши зарур. Ушбу муносабат билан “ижтимоий соҳада ўзгаришлар ва модернизация жараёнлари юз бериши учун амалиётга аҳоли фаровонлиги, уларнинг ижтимоий муаммоларини ечиш учун қаратиладиган турли ижтимоий муассасалар ва хизматлар ташкил этиш, янги-янги ишланмалар, сифатли технологиялар яратилиши борасида истиқболли дастурларни яратилишига янада эҳтиёж сезилади”⁵.

Юртимизда ижтимоий соҳанинг асосий бўғинларидан бўлган таълим ва соғлиқни сақлаш, гендер тенглигини таъминлаш каби ижтимоий жабҳалардаги дастурлар босқичма-босқич амалиётга жорий этилмоқда. Жумладан, истиқлол йилларида республикамызда ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар ҳажми кескин кўпайтирилди. Ҳар йили Давлат бюджетининг катта қисми соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хўжалик, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларидаги вазифалар ижросига йўналтирилмоқда. Жамиятимизда инсон тараққиёти масалаларига ҳам устувор аҳамият қаратилаётганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. А.Саидов, М.Турғунов ва бошқ. Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012 й. 4-бет.
2. Международное публичное право: Учебник. — Т.:ТГБИ, 2003 — С. 335

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисида. 2017 йил 7 февраль. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

⁵ Саитқосимов А. Ижтимоий соҳани инновацион ривожлантириш жамият ва инсон фаровонлигининг муҳим мезони//Жамият ва бошқарув, № 1, 2019. –Б.142.

3. О.Хусанов, О.Каримова ва бошқ. Инсон ҳуқуқлари (махсус курс). Тошкент, “Шарқ”, 1997. –Б
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисида. 2017 йил 7 февраль. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
5. Саитқосимов А. Ижтимоий соҳани инновацион ривожлантириш жамият ва инсон фаровонлигининг муҳим мезони//Жамият ва бошқарув, № 1, 2019. –Б.142.